

# 37

## НАФАР ХОДИМ УЧУН

143 миллион сўмлик зарар тўлови ундирилди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига Марғилон шаҳрида яшовчи А.Қорабоев ва унинг ҳамкасблари муқаддам Фарғона механика заводида ишлаб, касб касаллигига чалингани, аммо завод томонидан саккиз ой давомида зарар тўлови пайсалга солиб келинаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилади.


Ўрганишлар давомида заводдаги 37 нафар зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга фуқарога тўловлар тўлатилгани маълум бўлди. Йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан завод директори номига тақдимнома киритилди. Натижада уларга 143 млн. 679 минг сўм миқдорда зарар тўловлари ундириб берилишига эришилди.

– Касаба уюшмаларига раҳмат. Бузилган ҳуқуқларимизни тиклаб, адолатни қарор топтирди, – дейди мурожаатчи А.Қорабоев.

Шўхратжон РАҲИМХҲАЕВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси  
Фарғона вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза  
қилиш бўйича етакчи мутахассиси



Жиззах вилояти



## ҲАМШИРАНИ ҲАФА ҚИЛМАНГ

Жиззах шаҳридаги 1-оилавий поликлиника ҳамшираси Мухлиса Мустафоева Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Жиззах вилояти кенгашига арыз билан келди.

Муассасада 1 штат бирлигида патронаж ҳамшираси сифатида ишлаб, туғуруқ таътилига чиққан. Аммо таътил муддати туғурақ, ишга қайтишига иш берувчи томонидан қаршилик қилинган.

Мазкур мурожаат меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганилиб, иш берувчига оғзаки тушунтириш берилган. Шундан сўн 2022 йил 1 июлда 64-к сонли ишга қайтиши тўғрисида буйруқ расмийлаштирилган. Лекин тўлиқ штатга эмас, балки 0,5 га.

Мухлиса Мустафоева бундан

норози бўлиб, қайта мурожаат йўллади.

Унинг иккинчи аризани ўрганиш давомида иш берувчига нисбатан 2022 йил 16 август кунги бажарилиши шарт бўлган №18-сонли ёзма кўрсатма берилди. Натижада иш берувчининг 2022 йил 25 августдаги «Меҳнат шартларига ўзгартиш киритиш тўғрисида»га №120-сонли буйруғига асосан, М. Мустафоевага яна 0,5 ҳамширалик штат бирлиги қўшиб берилишига эришилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»

Наманган вилояти

## УЛАР НЕГА УЧ ОЙ КАМ МАОШ ОЛИШДИ?

Наманган вилояти ихтисослаштирилган «Чортоқ» болалар сихатгоҳи ходимлари узлуксиз уч ой мобайнида белгиланганига қараганда кам маош олаётганидан шикоят қилиб, касаба уюшмасига мурожаат билан чиқишди.

Тиббиёт ходимлари томонидан ёзилган ариза Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Федерацияси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича меҳнат инспекцияси томонидан атрофлича ўрганилди.

Ўрганишлар ушбу муассаса ходимларининг иш ҳақлари ҳақиқатан ҳам нотўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқлади. Ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш мақсадида иш берувчига ёзма кўрсатма киритилди.

Натижада сихатгоҳнинг 117 нафар ходими фойдасига жорий йил июнь, июль ҳамда август ойлари учун жами 22 миллион 869 минг 659 сўм миқдордаги ойлик иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тўланишига эришилди.

Орзуғул РУСТАМОВА  
«ISHONCH»

# Тинчлик, тараққиёт ва маърифат учун

ёхуд «Ипак йўли дурдонаси» XIV Тошкент халқаро кинофестивали нимаси билан ёдда қолди?



Жорий йилнинг 13-18 сентябрь кунлари «Ипак йўли дурдонаси» XIV Халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан қайта тикланган ушбу кинофестиваль Янги Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилди.

Сўнги йилларда барча йўналишларда бўлганидек,

давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маданий-маърифий соҳаларда ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан миллий кинематографияни ривожлантиришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Биргина, 1991 йилдан 2016 йилга қадар мамлакатимизда кино соҳасида 7 та меъёрий ҳужжат ишлаб

чиқилган бўлса, 2017-2021 йиллар давомида ушбу йўналишда Президентнинг 2 та фармони, 5 та қарори, ҳуқуқнинг 3 та қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

– Жорий йилда давлат буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар 2017 йилдагидан деярли ўн баравар ортди. 2017 йилда 23 та фильм

ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 175 тани ташкил этди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухалиқов. – Бир пайтлар жаҳонга доғруқ солган Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланиши ҳам ана шундай улўвор ишлардан бири бўлди.



Андижон вилояти

Ўқув

## ШИФОКОРЛАР ИМТИЁЗГА ЛОЙИҚ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Андижон вилояти кенгаши томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларида иш ўринларини, меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳолати ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қонунларига риоя қилиниши бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда тизимдаги ташкилот, муассасаларнинг бош шифокор ўринбосарлари, иқтисодчилар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва кадрлар бўлими мутахассислари ҳамда касабаси уюшма кўмиталари раислари қатнашди.

Ўқув-семинарда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Шохобидин Деҳқонов ҳамда меҳнат техник инспектори Рашид Аҳматхонов маъруза қилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, мутахассислар назорати ўрнатилди.

Иштирокчиларга иш ўринларини, шaroитларини ҳамда жароҳатлашни хавфини аттестациядан ўтказиш юзасидан зарур тушунчалар берди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

Анваржон АРЗИЕВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари  
касбаси уюшмаси Андижон  
вилояти кенгаши раиси



Самарқанд вилояти

## Оқланаётган ишонч

Касабаси уюшмаларининг қўйи тизимида бой тажриба орттирган ва ташкилотчилиги билан танилган Феруза Қиличевага навбатдаги йиғилишда катта ишонч билдирилди. У Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмасининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси этиб сайланди.

Бунинг билан бирга касабаси уюшмасига янада юксак масъулият юклади. Чунки ўша пайтга қадар ўнлаб ташкилотлар тармоқ касабаси таркибидан чиқиб кетган, улар билан алоқани қайта тиклаш осон кечмаслиги тайин эди. Шунга қарамай, Ферузахон дадил иш бошлади. Энг аввало, собиқ ҳамкорлар билан самимий мулоқотга киришди. Уларга касабаси уюшмага аъзоликнинг афзаллигини аниқ мисоллар асосида исботлаб берди. Шу жараёнда тизимдаги хато-камчиликлар сабабларини аниқлаш таҳлил қилиб, ҳолисона баҳолашга ҳам жиддий эътибор қаратди.

Ўрганишлар асноси айрим қўйи касабаси ташкилотларида бажарилиши лозим бўлган ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аёнлашди. Жумладан, Иштихон, Каттакўрғон, Нуробод, Пайарик, Пахтачи ва Самарқанд туманлари кенгашлари талаблар даражасида фаолият юритмаётгани аниқланди. Шунга қўра, уларнинг таркибига ташаббускор, интилувчан ва халқ орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга кишилар киритилди. Қарабасизи, одамларнинг худудий кенгашларга муносабати ўзгариб, ишончи орта бошлади.

– Мудофаа вазирлиги бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ҳамда марказий қўйи округнинг вилоят фахрийлари кенгаши кўмағида кўплаб учрашувлар ўтказдик, – дейди Феруза Қиличева. – Натيجида 10 та туман мудофаа ишлари бўлимида ва 4 та ҳарбий қисмда касабаси уюшма таш-

гаши аралашуви билан тизим корхоналарида тўпланиб қолган 307 та муаммо ижобий ҳал этилди. Сиҳат-гоҳларда дам олмақчи бўлган 285 нафар кишининг талаби қаноатлантирилди. Ташкилот-корхоналар ўртасида турли спорт ва соғломлаштириш тадбирларини уюштириш доимий аъёнанага айлантирилди. Таркибдаги 211 та ташкилотда ишловчи 26005 нафар ходимнинг манфаатлари жамоа шартномалари орқали муҳофаза этиладиган бўлди.

Эътиборли жиҳати, бу корхоналарда меҳнат шaroитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун зарур пуллар вақтида берилмоқда. Жамоа шартномаларида белгиланган қўшимча афзалликлар ҳам ўз ижобатини топмоқда. Ушбу ҳужжат талаблари бажарилиши учун ҳар бир ходимга ўртача 9,6 миллион сўмдан маблағ сарфланмоқда.

Касабаси уюшмалари ташаббуси билан ўтказилаётган «Энг яхши хотин-қизлар фаолияти» кўрик-танловининг турли босқичларида 1,5 мингдан ортиқ аёллар иштирок этиб, ғолиблар ҳамкор ташкилотлар ва тармоқ касабаси уюшмаси томонидан тақдирланди. Турли соҳа ва идоралар ўртасида бўлиб ўтган спорт тадбирларида эса салкам ўн минг киши қатнашди.

Хуллас, Феруза Қиличеванинг эзгу сазий-ҳаракатлари шарофати ўлароқ кенгаш фаолияти анча яхшиланди. У амалга оширишни мўлжаллаб қўйган режалар эса янада кўп.

## Касабаси уюшма фаоллари

Нуқулжон Рўзметова Қўшқўпир туманидаги 2-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси этиб сайланганига 15 йилдан ошди.

## ЕТАКЧИ ЖАМОАГА ИБРАТ

– Мактабимиз ўтган ўқув йилида республика мактаблар рейтингига 810- вилоятдаги 540 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ичида 76- туманда эса 6-ўринни эгаллади. Ўн нафардан зиёд ўқувчи фан олимпиадаларининг вилоят босқичида фанол иштирок этиди. Педагоглар аттестацияси натижаларига кўра, олий тоифали ўқитувчилар сони 23 нафарни, биринчи тоифалилар 28, иккинчи тоифали педагоглар 33 нафарни ташкил этиди. Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Барно Хўжаева «Халқ таълими аълочилиги» кўрак нишони билан тақдирланди. Бир қатор жонқуяр ўқитувчилар «Устоз – 2021» кўрик-танловида фаол қатнашди, – дейди Нуқулжон. Битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши йилдан-йилга ортиб бораётгани кузатишмоқда 2020 йилда 23,5, 2021 йилда 33, 2022 йилда эса 34 фоиз битирувчилар талабалик бахтига мушарраф бўлишди.

Мактаб 2022-2023 ўқув йилини 1671 нафар ўқувчи билан бошлади. Биринчи синфга 198 нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларга 131 нафар педагог сабоқ бермоқда. Ундан зиёд ишчи-хизматчилар ҳам таълим ва тарбияни сифатли йўлга қўйишга кўмакдош.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мактабда 94 та тўғарак ташкил қилинган. Қўшимча машғулотлар натижаси ўлароқ ўқувчилар фан олимпиадаларида, турли танловлар ва мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Жумладан, спортнинг волейбол тури бўйича 2021 йилда Ўзбекистон чемпионатида 8-синф ўқувчиси Афруза Файзуллаева 3-даражали диплом билан тақдирланди. «Умид ниҳоллари – 2022» спорт мусобақасида 9-11-синф ўқувчилари бадминтон, волейбол, футбол, стол тенниси турлари бўйича вилоят босқичида биринчилиги кўлга киритилди. «5 ташаббус – спорт билан», «5 ташаббус – санъат билан» шиори остида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлишди. 9-синф ўқувчиси Шохруҳ Илҳомов онлайн «СОУЛ» халқаро кўрик-танловида миллий чолғу йўналиши бўйича 1-ўринни кўлга киритди.

– 601,8 балл тўплаб, 2-даражали «Замонавий мактаб» мақомига эга бўлди. Мактабимиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун опенбюджет лойиҳасида фаол қатнашиб, 900 млн. сўмлик мактаб жиҳозларига эга бўлди ва мактабимиз энг охириги моноблок компьютерлар, телевизорлар, интерактив доскалар, синф хоналари учун комплект стол-стуллар, радиоузел ускуналари, спорт, мусиқа жиҳозлари, кутубхона, ошхона жиҳозлари билан таъминланди, – дейди Нуқулжон.



Хоразм вилояти

Ушбу ютуқларда касабаси уюшманинг ҳам хизматлари бор. Жамоа шартномаси асосида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тадбирлари тўлиқ амалга оширилиб келинаётганлиги таълим-тарбия сифатида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мактабда устоз-шогирд аъёналари кенг йўлга қўйилгани натижасида кейинги уч йилда фаолият бошлаган 44 нафар ёш ўқувчи жамоада ўз ўрнини топишга муваффақ бўлди.

Шу каби кўплаб хайрли ва самарали фаолияти туфайли Нуқулжон Рўзметова «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг туман босқичида ғолибликни кўлга киритди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан кўрик-танловнинг туман босқичларида «Энг яхши касабаси уюшма кўмитаси» номинациясида биринчи ўринни эгаллади. «Устозлар касабаси уюшмалари эъзозидан» республика танловининг вилоят босқичида ғолиблар сафидан жой олди. «Касабаси уюшмалари кунига 1 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди.

Нуқулжон Рўзметова бу мактабга 1988 йилда СамДУнинг математика факультетини тугатиб ишга келган. 34 йилдан буён ўқувчиларга ушбу фандан дарс бериб келмоқда. Собиқ ўқувчилари орасида математиклар, иқтисодчилар, АКТ мутахассислари кўпчилигини ташкил этади.

Устоз ушбу ютуқларга меҳнатсеварлиги, касбига садоқати туфайли эришди, албатта. Нуқулжон каби фидойий касабаси уюшмаларимиз бор экан, ҳар бир касабаси аъзосининг манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади.

Бекберган АҲМЕДОВ,  
Таълим ва фан ходимлари  
касбаси уюшмаси  
Қўшқўпир тумани кенгаши  
раиси



Навоий вилояти

Яқинда Тошкент шаҳрида спортнинг энгил атлетика тури бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Ушбу мусобақада иштирок этган Навоий шаҳридаги 1-спорт мактаби тарбияланувчиси Азизжон Асатов 100 метрга югуриш баҳсида кумуш, 200 метрга югуриш мусобақасида эса бронза медалини кўлга киритган бўлса, худди шу спорт мактаби тарбияланувчиси Ҳилола Салимова ядро ва диск

## Ҳилола – чемпион!

улоқтириш баҳсларида барча тенгдошларини оқтириб қолдириб мамлакат чемпионлигига эришди.

1-спорт мактабининг яна бир тарбияланувчиси – шахмат бўйича саккиз карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони

Барчиной Шокиржоновна Қирғизистонда ўтказилган Фарбий Осиё биринчилигида фахрли 3-ўринни кўлга киритди.

Насиба ҚУРБОНОВА,  
Навоий шаҳридаги 1-спорт мактаби  
ўқитувчиси

## Тарғибот

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – масъулиятли вазифа

Шаҳрисабз шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабида янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси Умиджон Ортиқов бошланғич ташкилотлар етакчиларига янги таҳрирдаги қонун, ундаги ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, хавфсизлик техникаси қондаларига қатнашиш, меҳнат шaroитларининг хавфсиз ишлаши бўйича назоратни кучайтиришга оид тавсиялар берилди.

Жамоа шартномалари ва келишувларининг барчасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлар назарда тутилди. Тадбирда етакчилар шу мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш, ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида қатнашиш, меҳнат шaroитларининг ўзгариши билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда фаоллик кўрсатишга қаҳририлди.

Самимий руҳда ўтган семинарда иштирокчилар ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан тегишли маълумотларни олишди.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

## Сирдарё вилояти

Қадимий Ховостепа ёдгорлиги, Сирдарё вилоятининг тарихи ва маданияти акс этган топилмалар сақланадиган музей ҳар доим гавжум. Сабаби – худудда бунёд этилган Ҳаси Бузруквор зиёратгоҳи ободлиги ва зиёратчилар учун қўлайликларга эгалиги билан ҳамisha одамлар диққатини ўзига тортиб келади.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Боёвут тумани кенгаши ташкил этган мактабгача таълим тизими соҳасида ишлайдиган касабаси уюшмаси аъзоларининг кўҳна Ховос зиёратгоҳига саёҳати барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ушбу худуднинг қарийб 2500 йиллик тарихга эгалиги, ўтмишдан дарак берувчи археологик топилмаларга бойлигини кўпчилиги, ҳатто сирдарёликлар ҳам билмайди. Бугун биз учун илдимизни чуқурроқ ўрганиш имконияти пайдо бўлди ва буюқ тарих ворислари эканлигидан кўксимиз фаҳрга тўлди.

Ховосга келганлар дастлаб музей фаолияти билан танишади. Ундаги маданий ёдгорликлар, археологик қазилма ишлари, туман тарихига оид илк фотосурат, уй-рўзғор буюм-



## Ўтмишга саёҳат


лари, ўтмишдан сўзловчи топилмалар саёҳатчилар учун ёқимли янглик бўлади.

Зиёратгоҳнинг умумий майдони 12 гектар бўлиб, худудда босқичма-босқич тадқиқотлар олиб берилмоқда. Яқин келажакда қадимий шаҳар қолдиқлари ва бошқа ёдгорликлар оммага тақдим этилиши режалаштирилган.

Сўнг Ҳаси Бузруквор, Бобо Жобир зиёратгоҳи, уларнинг ёғиллари Саъд ва Саид номидаги масжид, Шербобо, Юсуф бобо, Ҳадича оча макбараси зиёратига бўлиб, уларнинг ҳақларига дуо ўқишди.

Ботир ЗИҚРИЛЛАЕВ,  
Таълим ва фан ходимлари  
касбаси уюшмаси  
Боёвут тумани кенгаши раиси

## Спорт



Наманган вилояти

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Мингбулоқ тумани кенгашида иш берувчилар билан ҳамкорликда «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг 2-босқичида ғолибликнинг кўлга киритганлар тақдирланди.

## Кўрик-танлов

Танловда 87 та бошланғич ташкилотдан 230 нафар ходим иштирок этиди. Уларнинг аксарияти жамоада кўп йиллар меҳнат қилиб келадиган тажрибали, ёшларга ўз касбининг сирасорларини ўргатиб, шогирдлар тайёрлаётган, моҳир педагоглардир.

Туман босқичида Низом талаблари асосида ташкилий кўмита томонидан иштирокчиларнинг тақдим этган ҳужжатлари ўрганилиб, 1-ўринга тумандаги 17-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Гулчироё Ғофурова, 2-ўринга тумандаги 3-умумтаълим мактабининг рус тили фани ўқитувчиси Гулчехра Нишоннова, 3-ўринга эса 14-умумтаълим мактабининг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Мадинахон Фозилова муносиб деб топилди.

Ғолиблар Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энди улар вилоят босқичида иштирок этишади.

Абдурашид ЯКУБОВ,  
Таълим ва фан ходимлари  
касбаси уюшмаси  
Мингбулоқ тумани кенгаши  
раиси

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИРЛАРИ



Сўнгги йилларда ўз жонига қасд қилаётганлар ҳақидаги мудҳиш хабарлар ижтимоий тармоқлар орқали кўп тарқалмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда, ҳар куни кўрраи заминимизда тахминан 3 минг нафар, йил давомида салкам 1 миллион киши ўз умрига ўзи сўнгги нуқта қўяди. Бу дунёда ҳар 40 сонияда бир киши ўзига ўлим ҳукмини ўқиди деганидир. Ўзбекистон эса суицид бўйича 2018 йили 184 давлат ичида 114-ўринни эгаллаган ва бу борадаги кўрсаткич ҳар 100 нафар аҳоли сонига нисбатан 6-7 кишига тўғри келган.

# ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ

Психологлар бу кўнгилсизликлар сабабини инсоннинг руҳий ҳолатлари, жумладан, ёш билан боғлиқ эмоционал вазиятларга, тушкунлик, депрессияларга боғлашади. Социологлар эса, унга жавобни турли ижтимоий муносабатлардан, шахснинг жамиятдаги ўрни, атрофдагилар билан алоқалари, одамларнинг унга бўлган эътиборидан излашади. Шунингдек, бу иллат сабабини турмуш шароитининг оғирлиги, оилавий муаммолар, камбағаллик, ишсизлик, зўравонлик, экологик вазиятлар бузилгани билан ҳам изоҳламоқчи бўлишади.

Албатта, бу омиллар инсон руҳиятига ва организмга ўзига хос таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Шу боис психотерапевт шифокорлар ўз жонига қасд қилишларни одамнинг руҳий ҳасталикларидан қидиришади. Уларнинг аниқлашича, суицид ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинганлар томонидан содир этилади. Баъзи мутахассислар бу ноҳўя қилмишларнинг 90 фоизи бошқалар эътиборини ўзига жалб этиш ниятида амалга оширилишини таъкидлашади. Хуқуқ-тартибот соҳалари вакиллари эса суицид турли низоли ҳолатлар, чунончи, ноқулай яшаш шароити, зўравонлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Қандайлигида қатъи назар, бугунги кунда, айниқса, ўспиринлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. ЖССТ маълумоти бўйича 15-19 ёшлилар

**2019 йил маълумотларига кўра, мамлакатимизда ўз жонига қасд қилаётганларнинг 57,3 фоизи эркеклар, 42,7 фоизи аёллардир. Жоҳиллик туфайли оилаларда заифларга нисбатан турли шаклда зўравонлик қилишлар ҳам кузатилмоқда. Улардан айримлари ўлим билан яқун топмоқда.**

майдаги тегишли қарори билан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ташкил этилди. Айни пайтда ҳудудларда 29 та филиали мавжуд бу тузилма қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиб, таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, оғир ижтимоий аҳволга тушиб, иложсиз қолган, шунингдек, ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бор хотин-қизларга тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, хуқуқий ва ижтимоий ёрдамлар, 1146 рақамли ишонч телефони орқали мурожаат қилганларга зарур йўл-йўриқлар кўрсатади. Қийин аҳволдаги аёлларнинг

хуқуқий дахлсизлигини таъминлаш учун ҳимоя ордери берилди. Бундан ташқари, зўравонликка учраган хотин-қизлар руҳан ва жисмонан тетиқлашиб олишлари учун она ва бола хоналари ташкил этилган. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар билан бирга маҳаллалар ва ўқув масканларида оила психологияси, аёлнинг оиладаги ўрни ҳамда оилавий муносабатларга бағишланган учрашув ва тренинглар ўтказиш, нотинч оилалар аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган.

Марказ бошқарув аппаратининг бош психологи Умида Турғунова суицид сабабларига тўхталар экан, оиладаги носоғлом муҳит, билимсизлик, ишсизлик, зарарли одатларга муккасидан кетиш каби турли ижтимоий инқирозлар инсоннинг руҳияти бузилишига олиб келишини, бундай ҳолатларнинг зулуксиз давом этиши ўз жонига қасд қилишдек аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини эслатади. Сўнгра оилавий келишмовчиликлар, ёшга боғлиқ гормонал ўзгаришлар, шахснинг жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги каби қатор омилларни бирма-бир санаб ўтди.

Сўхбатдошимизнинг уқтиришича, юқорида тилга олинган сабаблар замирида инсон руҳиятидаги бухронлар ва нотинчликлар ётади. Инсон жамиятда ҳам, оилада ҳам ёлғизланиб, ўз дардини ҳеч ким билан бўлиша олмай қолганида, зўравонлик устига зўравонлик, адолат-

## Мулоҳаза

сизлик устига адолатсизлик ёғилганида, ўз жонига қасд қилади. Эҳтимол, бу руҳий заифлик ҳамда диний билимлардан йироқлик белгисидир.

Ҳолбуки, аждодларимиз мудом бизга қийинчиликларга сабр-тоқатли бўлишни, ўлимдан бошқа ҳар қандай муаммонинг чораси борлигини тушунтириб келишган. Муқаддас китоблар – Таврот, Инжил, Қуръонда ҳам ўз жонига қасд қилиш қатъиян тақиқланган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходими Исҳоқжон Бегматов Muslim.uz сайтидаги мақоласида ўз жонига қасд қилишнинг қатор сабабларини келтиради. Даставвал динсизлик туфайли инсон ўзига ўзи ўлим ҳукмини ўқишини айтади, сўнгра маърифатсизлик, тўқчилик, йўқчилик, нафсоний севги, ўлимни муаммоларнинг ечими сифатида қабул қилиш ҳамда руҳий «хасталик»ларни санайди. Динсизлик, яъни эътиқодсизлик боис кишининг онг-шуурида ўлим ҳақиқатлиги, қабр азоби, охират, қайта тирилиш, қиёмат ва дўзах каби тушунчалар шаклланимаган бўлади, дейди.

Психолог Умида Турғунова билан сўхбат жараёнида шу нарса ойдинлашдики, фарзандлар тарбиясида ота-онанинг ўрни беқисс. Айниқса, гормонал ўзгаришларни бошидан кечираётган ўғил-қизларда турли ҳиссий жараёнлар рўй беради. Уларнинг таъсирига тушиб қолган ўсмирга алоҳида эътибор ва муносабат жуда зарур. Ота-онанинг ортиқча дўқ-пўписаси ва ҳуда-беҳуда тергашлари ёшларнинг кўчадан сирдошлар топишига туртки беради. Уйда меҳр кўрмаган баъзи болалар интернетдан нажот излашади.

Ёш оилалардаги қўйди-чиқдилар ҳам ўзаро муносабатларга совуқчилик туширади. Қайнона билан эри ўртасида, таъбир жоиз бўлса, икки ўт орасида қолган ёш келинчака айрим ҳолларда ўз жонига қасд қилиш сўнгги нажот йўлидек кўринади.

– Таълим тизимида ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлайдиган махсус дарслар жорий этилиши жоиз, – дейди Умида Турғунова гурунгимизни давом эттириб. – Улар вояга етиб келаётган мактаб ўқувчилари-ю олий ўқув юрти талабаларига ҳам асқатади. Келгусида ота-она бўладиган ёшлар жинсий тарбиядан тортиб эр-хотинлик ва қайнона-келинкалик муносабатларини ўрганиши зарур. Бунинг учун эса ўзида ҳам маънавий, ҳам жисмоний тарбия усулларини жамлаган, оила қуриш бўйича сабоқ берадиган дарсликлар керак. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга интернетнинг норасмий сайтларидан чала-ярим маълумотларни олгандан кўра, шу соҳанинг мутахассисидан сабоқ олишлари минг қарра афзал.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»



## Мушоҳада

# Сочни ёйиб юриш модами?

Болалигимда Қудрат момом сочимни тараб, ўриб қўярди. Кейинроқ эса менга сочимни ўтириб, олдимга рўмолимни ёйиб тарашимни, тушган соч толаримни мевали даррахт остига кўмишимни ўргатди. Соч толаси тушган жойни кимдир оёғи билан босса ёки ҳатлаб ўтса, бош оғришини ўқтирди.

Мақтабга чиққанимда бошқа қизлар каби мен ҳам сочимни иккита қилиб ўриб, лента тақиб юрардим. Пойтахтга илк маротаба келганимда айрим қизларнинг сочини ёйиб юрганини кўриб, ҳайрон бўлганман. Бугунги кунда эса мактабга бораётган кўпгина қизларнинг сочи ёйилган. Жамоат транспортга чиқса, ёйилган сочлар кимларнингдир гашига тегиши аниқ. Аммо, негадир ота-оналар ўқувчи қизларнинг сочларини йиғиштириб, ўриб юришига ва кийинишига кам эътибор беришади.

Яқинда Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 147-мактабга бордим. Мактаб директори Замира Исаева мени ўқувчилар билан таништирар экан, қизлардан бирининг ёнига бориб, унга сочини йиғиштириб олишни таъкидлади. Қизча дарҳол сочини ўриб олди.

Буни кўриб, менинг ҳам кўнглим ёришиб кетди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақл бор. Аммо уни Фахриддин (исмлар ўзгартирилган) эшитмаган чоғи, ҳассасини бир неча бор «йўқотиб қўйди»...

У 2015 йилда Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди томонидан ўғирликда айбланиб, жазога тортилган эди. Аммо бу унга сабоқ бўлмади.

Жорий йилнинг май ойида Фахриддин Олмалиқ шаҳридаги автомобиль ювиш шохобчасининг бирида ишлайдиган танишлари – Шоҳруҳ ва Фурқат билан ўзаро тил бириктириб, кечаси «Озодлик» ва «Оҳангарон» бекатлари оралиғидаги темир йўлга «ов»га чиқишади.

Манзилга етиб келгач, Фахриддин ўз бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашинада пойлоқчиликда қолади. Шоҳруҳ ва Фурқат иш қуроллари билан темир йўл изи бўйлаб кетади. Темир йўл изидаги 27 минг киловаттли синми кесини бошлаган чоғи Шоҳруҳни электр токи уради. Лекин жароҳат етмайди. Шундан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб, икковлон ортига қайтишади.

Бу «огоҳлантириш» уларга кор қилмайди. Яна бир ҳафтадан сўнг улар бу ишга қайта жазм қилишади. Фақат бу сафар манзил ўзгаради. Янада кучлироқ тайёргарлик кўрган шоввозлар тунда, тахминан соат 3:00 да «Кучлик»



# Сим ўғрилари

ва «Тўйтепа» темир йўл бекатлари оралиғидаги темир йўл яқинида келишади. Худди аввалгидек Фахриддин кўриқчиликда қолади. Шоҳруҳ ва Фурқат эса «уддалаб бўлмас топшириқ»қа уннашади.

Бу сафар уларнинг омади келади – темир йўл изининг содир этаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинади. Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Қилмиш – қидирмиш дейдилар. Сим ўғирлаб сотишнинг ҳақисини олган бу йигитлар энди қонун олдида жавоб беришади.

Осон йўл билан топиладиган пуллари туғагач, уларнинг ўрганган кўнгли яна ўртана бошлайди. Бу сафар улар «Оҳангарон» ва «Ақча» темир йўл бекатлари ора-

лиғидаги темир йўл изига ўрна-тилган электр симларни кесиб олишади ва аввалгидек килограмминин 75 000 сўмдан пуллашади.

Бу ишлар йигитларни янада «руҳлантириб» юборади. Аммо улар «Ақча» ва «Облик» темир йўл бекатлари оралиғида жиноят содир этаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Қилмиш – қидирмиш дейдилар. Сим ўғирлаб сотишнинг ҳақисини олган бу йигитлар энди қонун олдида жавоб беришади.

Шерзод ШОДМОНОВ, Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

## Жиноят ва жазо

## «Ishonch»га жавоб берадилар...



# «Ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳамма тенг ҳуқуқли...»

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 18 августдаги 100-сонида «Тенгсизлик теоремаси» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган эди. Унга Президент таълим муассасалари агентлиги қуйдагича муносабат билдирди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги фармони билан агентлик тизимида 2022 йилда 168 та ихтисослаштирилган мактаб ва 19 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятини йўлга қўйиш, 2024 йилга қадар мактаб-интернатлар сонини 24 тага етказиш белгиланган.

Фармонга асосан халқ таълими тизимидаги 113 та таълим муассасаси Президент таълим муассасалари агентлигига ўтказилган.

Халқ таълими тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга ўқувчилар 7-синфдан бошлаб Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари асосида қабул қилинган бўлса, агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг аниқ фанлар йўналишига 5-синфдан, табиий фанлар йўналишига 7-синфдан халқор «Cambridge Admissions Testing» таълим муассасаси билан ҳамкорликда ўтказиладиган саралаш имтиҳонлари орқали қабул қилинади.

Халқ таълими тизимида фаолият юритган ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларга ўқувчилар ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар саралаш имтиҳонлари асосида қабул қилинган ва мактаб-интернатларга ўқувчиларнинг оқватланишларини ташкил этиши учун ота-оналардан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди тўлов амалга оширилган.

Агентлик тизимида янгида ташкил этилаётган мактаб-интернатларга ҳам ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча ўқувчилар саралаш имтиҳонлари асосида қабул қилинади ҳамда фармонга асосан мактаб-интернат ўқувчилари учун аутсорсинг асосида бепул соғлом оқватлантириш ташкил этилади.

Шу билан бирга, агентлик тизимидаги таълим муассасаларида фарзандларини ўқитиши истагида бўлган ота-оналарга ўз ҳудудларидаги ихтисослаштирилган мактаб ёки мактаб-интернатларга ҳужжат топшириш ҳуқуқи берилган. Бу ҳақда ҳар бир ота-она (уларнинг ўрнини бошқарувчи) фарзандининг ҳужжатини топшириш жараёнида офёрта билан танишиб чиқиб, уни тасдиқлаган.

Бугунги кунда республикада таълим тизимини ривожлантириш, унинг мазмун-моҳиятини янги bosқичга олиб чиқиш биринчи масала даражасига кўтарилган бир даврда мазкур йўналишда амалга оширилаётган илҳомларнинг туб моҳиятига етиб бормасдан ота-оналаримизни ортиқча ташвишга солинишига сабабчи бўлмаслигимиз мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар агентлик томонидан илҳобий қабул қилинишини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Д.Кенжаев

## Эълонлар

2001 йил 7 ноябрда Аминхўжаева Тохтахон Абдуллаевна номига берилган 15-05/1054-сонли уй-жойни шахсий мулк эълонлигини тасдиқловчи давлат даллатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей томонидан 2013 йилда Жумабаев Тохир Мавлонкул ўғли номига берилган L №184508 (рўйхат рақами: 58) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.


Янгийўл тиббиёт коллежи томонидан 2019 йилда Усманова Мунаввара номига «Ҳамширалик иши» йўналиши бўйича берилган K №5729332-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент Тиббиёт академияси академик лицейи томонидан 2019 йилда Соҳибов Сардор Фарход ўғли номига берилган L № 0015662 (рўйхат рақами 44) рақамли диплом ва иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги «SKY HILL» МЧЖ ХК (СТИР: 300578016) жамият аъзоларининг 2022 йил 26 сентябрдаги қарорига мувофиқ жамият низом жамғармаси 25 502 104 923,50 сўмдан 21 002 104 923,50 сўмга қайтагирилганини маълум қилади.

Давлатвор бир ой мuddатда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 33-уй манзилида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Тошкент солиқ коллежи томонидан 2019 йилда Абдуқалилов Абдулазиз Абдусамид ўлими номига берилган K № 5753326 (рўйхат рақами: 179) рақамли диплом иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



**МУАССИС:**  
  
 O'zbekiston kasaba uyushmalari federatsiyasi  
 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),  
 Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
 Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
 Сайфулло АҲМЕДОВ,  
 Акмал САИДОВ,  
 Равшан БЕДИЛОВ,  
 Қутлимурот СОБИРОВ,  
 Сўҳроб РАФИҚОВ,  
 Шокосим ШОИСЛОМОВ,  
 Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
 Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
 Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
 (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
 Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),  
 Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
 Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
 Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89  
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
 сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
 Суғд вилояти – (+998-99) 889-90-32  
 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

**Муаллифлар фариш таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
 З. Рижиев

**Мусаҳҳилар:**  
 Д. Худойберганаева,  
 Д. Равшанова

**Саҳифачловчи:**  
 Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**  
 Топширилди – **21:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.  
 Буюртма **Г-906**  
**31356** нусxada босилди.  
 Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилми:**  
 100165, Тошкент шаҳри,  
 Бухоро кўчаси, 24-уй.  
 E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
 Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
 Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
 2021 0000 0004 3052 7001,  
 АТИБ «iproteka bank»  
 Яшнотда филиали,  
 Банк коди: 00959,  
 СТИР: 201133889,  
 ОКЭД: 58130

**ЎТМИШГА НАЗАР**  
 Маълумки, Тошкент илгари ҳам турли анжуманлар, йирик санъат ва спорт байрамларига мезбонлик қилган. Ана шундай машҳур тадбирлардан бири ўз вақтида доврўги жаҳонни тутган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали эди. Утган асрнинг 60-йилларида собиқ иттифоқ раҳбарияти тинчликпарварлик сийасатига асосланган бир қатор йирик анжуманлар ўтказишни йўлга қўйган. Аслида 1958 йилда ҳам бир маротаба Осиё ва Африка халқлари кинофестивали ташкил этилган. Орадан ўн йил ўтиб, Бутуниттифоқ кино арбоблари уюшмаси ташаббуси билан Тошкентда «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида мазкур фестивални анъанавий тарзда ўтказиш йўлга қўйилди.

1968 йилдаги I фестивалнинг очилиш маросими Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри биноси олдидаги майдонда уюштирилган. Мазкур фестиваль ўзбек кинорежиссери Комил Ерматовнинг «Осиё устида бурон» бадиий фильми билан очилган.

Дастлаб мазкур фестивалнинг асосий мақсади фильмларни танлов асосида саралаш бўлмаган. Шунга қарамай, кейинчалик, жамоат ташкилотлари томонидан энг яхши фильмлар учун махсус мукофотлар ва дипломлар таъсис этилган. Масалан, 1972 йилда «Сўҳбат» (Ҳиндистон, режиссёр М.Сен) бутуниттифоқ кинематографлар уюшмаси мукофоти билан, «Эмитай» (Сенегал, режиссёр С. Усман) «Советский экран» журнали мукофоти билан, 1974 йилда «Тун ва қафас» (Миср, режиссёр А.Фаҳийи) «Шарқ юдузи» журнали мукофоти билан, «Елғиз одамнинг учрашувлари» (Мексика, режиссёр С. Ольхович) бутуниттифоқ киночилар уюшмаси мукофоти билан тақдирланган.

Фестиваль ўз низомига кўра, икки йилда бир маротаба ўтказилган. Фақат икки маротаба – 1970 ва 1990 йиллардагина бу анъана маълум сабабларга кўра бузилган.

1976 йилдан бошлаб, фестивалга Лотин Америкаси кинематографлари ҳам қўшилган. Катта авлод вакиллариининг эслашича, фестиваль кунлари Тошкент шаҳри ҳақиқий маънода катта байрам ва шодона масканига айланган. Кинотеатрларда фестивалга тақдим этилган кинофильмлар намойиш этилган. Фестиваль иштирокчилари учун бир қатор маданий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ташкил этилган.

Ушбу фестиваль охириги маротаба Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг 1997 йилда ўтказилган. Ушунда Ўзбекистон ҳали иктисодий қийинчиликлар исканжасида турганига қарамай, мамлакатда мазкур анжуманга жуда катта тайёргарлик қўрилган, кинотеатрлар таъмирланган, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги диққатга сазовор масканлар бўйлаб саёатлар уюштирилган эди.

**МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР**  
 2021 йил 19 июнда Президентимизнинг «Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида»ғи тарихий қарори қабул қилинди.

Унга асосан 1968-1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказилиб келинган «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали», «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланди ҳамда уни 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди.

«Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказишда кино санъати орқали дунё мамлакатлари ўртасида маданиятлараро мулоқотни янада мустақамлаш ва ривожлантириш, жаҳон киноиндустрияси вакиллари билан ҳамкорликка қўшма кино лойиҳалари яратиш, энг сара кино санъати асарларини юртимизга жалб қилиш, миллий кино санъатини янада ривожлантириш ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш, ушбу санъат тури орқали халқимизнинг бош тарихи ва бетакор маданиятини дунёга кен тартиб етиш, ўзро таърибга алмаштириш, танқиди кино намояндалари иштирокида конференция, давра сўхбатлари, тақдимот ва маҳорат дарсларини ташкил этиш сингари мақсадлар кўзда тутилган.

«Тинчлик, тараққиёт ва маърифат» шиори остида ўтадиган нуфузли анжуман «Фестиваллар фестивали» шаклида ташкил этилади ва унга халқаро кинофестивалларнинг гўлиб ва номинантлари иштирокида дунёнинг энг яхши кино санъат асарлари жалб қилинади.

Шунингдек, қарорда Кинофестиваль доирасида хорижий мамлакатларнинг кино кунларини ташкил этиш, Осиё қитъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар ёш кинорежиссёрларининг қисқа метражли фильмлари фестивални ўтказиш, гўлибларни тақдирлаш ва бошқа бир қатор илмий, маданий-маърифий тадбирлар қайд этилган.

**ОҚҚАН ДАРЕ ОҚАБЕРАДИ**  
 Кинофестиваль 2021 йилнинг 28 сентябрь – 3 октябрь кунлари 24 йиллик таънаффудан кейин 13 маротаба «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан ўтказилди. Кинофестивалда 40 га яқин давлатдан 350 нафардан зиёд кинорежиссёр таъриф буюрди.

«Янги авлод киноси» ва «Кино 5 кунда» лойиҳалари асосида тақдим этилган ўнлаб фильмлар Кинофестиваль павильонларида

томошабинлар ҳуқига ҳавола қилинди. Утган йилги «Жаҳон киноси кунлари» ҳам катта тантаналар билан бошланди. Тадбир доирасида Ўзбекистон бўйлаб 14 та мамлакат киноси кунлари ўтказилди.

Юртимизнинг 10 та шаҳридаги 20 та кинотеатрда 150 га яқин хорижий ва миллий фильмлар намойиш этилди. Тошкент шаҳрида С.А.Герасимов номидаги Бутунроссия Давлат Кинематография институти филиали ташкил этилди. Бу масканда ҳозирда 300 нафарга яқин талаба таълим олмақда.

Шунингдек, ўтган йили мазкур фестиваль доирасида Ўзбекистон Миллий кино музейи ҳамда Миллий кино фонди янги биноларда иш бошлади. Алишер Навоий номидаги кино саройи негизида «Киночилар уйи» ташкил этилди. «Ўзбекфильм» киноконцернининг замонавий биноси тақдироти ўтказилди.

Утган йилги тадбирларда Митхун Чакраборти, Буман Ирани (Ҳиндистон), Ужан Дениз, Сердар Ортач (Туркия), Жерар Депардье, Люк Бессон (Франция), Никита Михалков, Тимур Бекмамбетов (Россия) сингари жаҳонга машҳур санъаткорлар қатнашган эди.

**ЯНГИ ВА ЯНГИ, ХИЛМА-ХИЛ...**

«Ипак йўли дурдонаси» XIV Тошкент халқаро кинофестивалига ҳам жорий йилда қизгин тайёргарлик қўрилди. 2022 йил 13-18 сентябрь кунлари ўтган мазкур кинофестивалда дунёнинг 35 давлатидан 400 нафардан ортиқ кинорежиссёр, актёр ва актрисалар, режиссёр ва операторлар, продюсер ва таҳлилчилар, киношунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кинофестиваль тадбирлари юртимизда замонавий шарт-шароитларга эга 50 нафардан ортиқ



16 сентябрь кунлари юртимизда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлат раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.



Ҳам географик ҳудуди, ҳам аҳоли сонига кўра, дунё аҳолисининг қарийб тенг ярмини ўз ичига олган бу йирик ташкилот қамрови йил сайини кенгайтиб бормоқда.



мамлакатлар киноусталари томонидан яратилган энг сара фильмлар ўзбек томошабинлари эътиборига ҳавола этилди. Жойларда ушбу мамлакатлар кино ижодкорлари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ўтказилди.

Шунингдек, «Жаҳон киноси кунлари» доирасида мамлакатимиз бўйлаб Озарбайжон, Арманистон, Австралиа, Жазиор, Беларусь, Миср, Эстония, Франция, Буюк Британия, Грузия, Греция, Италия, Индонезия, Исраил, Малайзия, Молдова, Япония, Польша, Руминия, Туркия, Туркменистон сингари жами 22 та давлатнинг кино кунлари ўтказилди. Шу билан бирга Тошкент шаҳри ва вилоятларида ўзбек кинорежиссёрлари томонидан суратга олинган «Бир кулик тўйи», «Ким деяси сени?», «Барон-2», «Соғинч», «Аёл қисмати», «Муҳаббат баҳори», «Аф» сингари қатор фильмлар намойиш қилинди. Жойларда маҳаллий ва хорижий кинорежиссёрлар иштирокида ўтган ижодий мулоқотлар ўзбек томошабинларига катта қизиқтириш уётди.

Кинофестиваль доирасида ўтган «TURKSOY» кино форуми, ишбилармонлар учрашуви, Жаҳон мамлакатлари киноси: тарих ва ривожланиш истикболлари» маърузидаги анжуман, «Бутуниттифоқ кинематография соҳасидаги қонунчилик: кино ишлаш қиқариш ва кинопрокатни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзусидаги мулоқотлар ҳам хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан келишиб олинди.

Утган йилги кинофестивалда «Ўзбекфильм» киноконцернига хориждан 30 миллион евролик замонавий кинотехникалар келтирилиши ҳақида маълум қилинганди. Бу йилги фестивал кунлари ушбу техникаларнинг янгида киноконцернига келтирилган 3,5 миллион еврога тенг қисми намойиш этилди. Мазкур техникалар илк бор «Ўзбекфильм»да суратга олинаётган «Баҳор» кинофильми бадиий олимпиада ишлашди. Дарове, иштирокчилар ушбу тарихий фильмнинг илк лавҳаларини суратга олиш жараёнига ҳам гувоҳ бўлишди.

Кинофестивалда 2000 нафардан ортиқ ёшлар иштирокида таълим дастурлари ҳам ўтказилди. Жумладан, Кишиштоф Занусси, Такеши Китано, Санг Ву, Хуан Антонио Мартинес, Люк Бессон, Гоша Куценко, Жонни Депп сингари жаҳон киносининг атоқли вакиллари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

**ҲАМКОРЛИКДАГИ КИНОЛОЙИҲАЛАР**  
 Сўнгги йилларда ўзбек кинематографиясида ко-продукциялар – ҳамкорликдаги кинолоийҳаларни суратга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Икки йил ичида «Парининг



фоти билан тақдирланди. 2-ўрин ва 10 минг АҚШ доллари «Тупроқ» фильми учун қирғизистонлик Нариман Тактақуловага насиб этди. 3-ўрини ва 7 минг АҚШ долларига тенг пул мукофоти канадалик Феликс Калменсоннинг «Кўёш учун қўшиқ» фильмига берилди.

**ЭЛАР ВА ДИЛЛАРАНИ БИРЛАШТИРГАН ФЕСТИВАЛЬ**

18 сентябрь куни «Ўзбекфильм» киноконцерни павильонида «Ипак йўли дурдонаси» XVI Тошкент халқаро фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросим кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонларининг анъанавий «Қизил йўлак»дан юриб ўтиши билан бошланди. Киноконцерни павильони барча кинофестивалларга хос жиҳоз-

лар, чироқлар, кўргазмали воситалар билан безатилади. Бошловчилар ҳар бир иштирокчининг номини тантанавор эълон қилишди. Мухлислар уларни олқишлар билан кутиб олишди. Тантанани очиб бериш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимовга берилди.

«Дарҳақиқат, ҳафта давомида миллий кинематографиямиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзишга аризулик қувончли воқеалар юз берди, – деди А.Абдуҳақимов. – Бу кинофестиваль олинчисига қараганда анча мукамал, жўшқин ва кўтаринки руҳда ўтганини ҳар биримиз сезиб турибмиз. Чунки бир йил ичида бу борада амалга оширилган ислохотлар, йирик ўзгаришлар халқаро жамоатчилик, жаҳон киносининг атоқли вакиллари ҳам эътироф этишгани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди».

Шундан сўнг Кшиштоф Занусси (Польша), Такеши Китано (Япония) сингари танқиди кино дарғалари Тошкент Халқаро кинофестивалининг «Жаҳон кинематографияси ривожига қўшган ҳиссаси учун» махсус мукофотлари билан тақдирландилар. «Тожиқфильм» давлат маъсаси директори Маҳмадшоҳ Шохийн (Тожикистон) ҳамда «Беларусфильм» миллий киностудияси (Беларус) кинорежиссёри Ольга Эстрада «Кинематография фидокори» кўркак натижи билан тақдирланди.

«Кино бизларни ажойиб дунёга етаклайди, – деди америкалик актёр Арманд Ассанте. – Бу соҳада кўп йилдан буён фаолият кўрсатиб келаман. Ўзбекистонда кинематография ривожига Президент эътиборида экани диққатга сазовордир. Кўп давлатларда бўлганман. Ўзбекистон жуда ажойиб мамлакат. Бу юрт юрагимдан жой олди. Уни ёрқин хотирлар билан ёдга оламан».

«Бугун дунё қалқиб турибди», – деди польшалик кинорежиссёр ва драматург, продюсер Кишиштоф Занусси. – Дунёни гўзаллик ва тафаккур қутқаради. Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланганидан жуда мамнунман. Ишонаманки, Тошкент халқаро кинофестивали тинчлик, эзуликка, маърифатга хизмат қилади. Меҳридаре, самимий, бағрикенг ўзбек халқига ўз миннатдорлигини билдирман».

Маросимда турли мусиқий композициялар, ўзбекистонлик ва хорижий санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар янгради. Кинофестиваль мадҳияси садолари остида XVI Тошкент халқаро фестивали байроғи туширилди.

Яна бир халқаро кинофестиваль ўзбек миллий кинематографияси тарихининг ёрқин саҳифаларидан жой олди.

**Рустам ЖАББОРОВ,** журналист



Рисуретчи: Хайдаров алина-супергерл



Рисуретчи: Хайдаров алина-супергерл



Рисуретчи: Хайдаров алина-супергерл

**ЮЗ ЭЛЛИКДАН ОРТИҚ ТАДБИР...**  
 Дарҳақиқат, Кинофестиваль доирасида ўтказилган барча тадбирларнинг умумий сони 150 тадан ошади. Улардан бири «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти киноси кунлари» бўлди. Хабарингиз бор, Кинофестиваль билан деярли бир пайтда 15-